VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

15 (232) ● 2013 йил 24 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz   Таҳририят — www.milliytiklanish.uz   2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Кадрлар салоҳиятини юксалтириш партия фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилади



2 СИЁСАТ

Термиз туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабида 148 нафар ўғил-қиз таҳсил олмоқда



5 МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида "Тасвирий санъат фестивали" ҳафталиги давом этмоқда



8 КЎЗГУ

## Хабарлар

### Интеллектуал мулк: тажриба ва амалиёт

**Миллий матбуот марказида Халқаро китоб ва муаллифлик куни ва халқаро интеллектуал мулк кунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги мутахассислари, соҳа ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган матбуот анжуманида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ва ривожланишнинг замонавий тенденциялари, илмий-тадқиқот ишланмалари натижаларини бозорга олиб чиқиш тажрибаси ва истиқболлари, ихтиролар асосида рақобатбардош маҳсулотларни яратиш каби масалалар муҳокама қилинди. Анжуманда таъкидланганидек, интеллектуал мулк агентлиги 1992 йилдан бошлаб кенг миқёсда халқаро ҳамкорликни амалга ошириб келади. Ўтган нисбатан қисқа давр ичида Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди.

### Замонавий архитектура имкониятлари

**Тошкент архитектура ва қурилиш институтида "Мустаҳкам шаҳар учун архитектура имкониятлари" кўргазмаси ташкил этилди.**

Бугунги кунда биноларни лойиҳалаш ва қуриш ишларида маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Кўргазмада намойиш этилган бино лойиҳалари айнан шу ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, йилнинг тўрт фаслида ҳам объект ичидаги ҳароратни мўътадил ушлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Кўргазмага ташриф буюрганлар ёмғир суви ҳисобига ичимлик сувининг тежалиши, кондиционер ва бошқа техникаларсиз ҳаво мўътадиллигини таъминлаш технологиялари ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлишди.

### Ёшлар фестивали

**Қашқадарё вилоятида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.**

Тадбирдан кўзланган мақсад истиқлол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган улкан ютуқ ва марралар, ислоҳотларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини ёш авлодга тушунтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, келажагимиз эгаларини "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан асраш, эл-юртга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. Фестиваль доирасида Муборак, Нишон, Касби, Миришкор, Деҳқонобод, Қамаши туманларида кўплаб тадбир ва мусобақалар ўтказилди. Қарши шаҳридаги амфитеатрда таниқли хонандалар ижросидаги "Мустақиллик фарзандлари» деб номланган гала-концерт фестиваль иштирокчиларига байрамона кайфият бахш этди.



# Ҳунармандчилик фаолияти кенгаймоқда

***Термиз шаҳридаги "Нозанин-Садаф" хусусий корхонасида аёллар учун миллий бичимдаги бежирим либослар ишлаб чиқарилади.***

***Ўнга яқин хотин-қиз меҳнат қилаётган кичик корхонада тайёрланаётган тикувчилик маҳсулотлари сифати ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлаётир. Корхона раҳбари Муҳайё Жўраеванинг айтишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун кенг имкониятлар яратилгани анчагина маблағни тежаб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришда жуда қўл келаётир. Корхона қошида компьютер хизмати, гўзаллик салони ташкил этилгани бунинг далилидир.***

## Ўқув-семинар

# Кадрлар салоҳиятини юксалтириш

**партия фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилади**

***Мустақиллик шарофати билан халқимиз ва жамиятимиз ҳаётида туб бурилишлар содир бўлди. Истиқлолнинг тарихан қисқа даврида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда улкан ижобий ўзгариш ва натижаларга эришди. Айниқса, мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш олий мақсад сифатида белгиланди. Бугунги кунда давлатимиз ушбу мақсадга эришишнинг мураккаб ва масъулиятли йўлидан ишонч ва қатъият билан бормоқда.***

Таъкидлаш жоизки, парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнини янги поғонага кўтарди. Унда илгари сурилган ғоялар ва қонунчилик ташаббуслари сиёсий партиялар зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан "Партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда молиявий маблағлардан самарали фойдаланишнинг долзарб вазифалари" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Тадбир сиёсий партиялар олдига қўйилган устувор вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини янада ошириш, шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари девони раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчиларининг молия-хўжалик ишларини янада яхшилаш ҳамда малакасини ошириш мақсадида ташкил этилди.

2-бет

## Ёшлар қаноти

# Ёшларни зарарли одатлардан ҳимоялаш

**ЎзМТДП дастурий вазифалари сирасига киради**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам бериш, жамиятда халқимизга тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтиришга, ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.***

Жумладан, партия Марказий Кенгаши "Ёшлар қаноти" ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида "Биз ёшлар: алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишига қаршимиз!" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, партия фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

3-бет

## Ҳуқуқий эксперимент

***Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йилларида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб, халқаро миқёсда юксак обрў-эътибор қозонмоқда. Юртимизда қонун устуворлиги таъминланиб, халқимиз турмуш тарзи кундан-кунга фаровонлашиб, хонадонларимизда ободлик ва фаровонлик, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда.***

# Янги тажриба

**уни муваффақиятли амалга оширишда барчамиз масъулмиз**

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида жамиятимизда қонун ва қонунчиликка муносабат тубдан ўзгарди. Бу демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасидир.

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Ўқув-семинар

# Кадрлар салоҳиятини юксалтириш

## партия фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда)



Семинарни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар ва янгиланишларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади. Мазкур жараёнда партия кадрларининг маънавий, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш, уларнинг зарур малака ва кўникмаларга эга бўлиши зарурлиги, ушбу ўқув-семинар айнан ана шу масалаларга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди.

Ўқув-семинарда "Мамлакатда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда уларни молиявий қўллаб-қувватлашда давлат бюджети маблағларининг аҳамияти", "Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш", "Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш, уларни такомиллаштириш ва мукаммаллаштириш", "Молиявий ҳисоботларни расмийлаштириш ва тақдим этиш" ҳамда "Устав ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида жойларда партия ҳужжатларини расмийлаштириш ва юритиш" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— Истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг юртимизда кечаётган чуқур ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асос ва имкониятлар яратилди, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Сарвар Отамуродов. — Сиёсий партиялар эндиликда ана шундай имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланишлари лозим. Партиямиз жамиятда ўз ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, кенг жамоатчилик эътиборини қозониш йўлида дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бормоқда. Ўқув-семинарда партиянинг ўтган йилдаги молиявий фаолиятининг таҳлил этилгани келгусида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифаларни белгилашга имкон беради.

Тадбирда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари девон раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

***Сардор РАСУЛОВ,***
***ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари в.б.***

— Ўқув-семинар демократик ислоҳотлар кенг қулоч очиб, фуқаролик жамияти институтлари мавқеи ортиб бораётган, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги, қарорлар қабул қилишдаги ўрни алоҳида мақомга кўтарилаётган бир пайтда партия кадрларининг сиёсий, ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий соҳаларда зарур малака ва кўникмаларга эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этади.

Семинарда соҳа мутахассислари томонидан бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, молиявий ҳисоботларни расмийлаштириш ва тақдим қилиш борасида берилган зарур маълумот ҳамда тавсиялар фаолиятимизда асқотиши шубҳасиз.

***Матлуба ҲАМИДОВА,***
***ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси бош ҳисобчиси:***

— Ўқув-семинарда бухгалтерия ҳисобини аниқ юритиш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва замонавий техник восита ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга оид маълумотлар берилди. Шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга мувофиқ тўғри, самарали сарфлаш ва асосий воситалар ҳолатини мунтазам назорат қилиб бориш юзасидан янги билим ва кўникмаларга эга бўлдик.

Тадбир давомида партия ташкилотлари маҳаллий кенгашлари олдига муҳим вазифалар қўйилди, ўзаро тажриба алмашилди. Олган билимларимиз фаолиятимизни янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

*Мамлакатимизда ўтган қисқа давр ичида барча соҳаларда туб ўзгаришлар содир бўлди. Ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўналишидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ана шундай кенг кўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, фуқаролар турмуш даражаси юксалмоқда, инсон манфаатлари омили тараққиётимизнинг асосий мезонига айланмоқда.*

Муносабат




# Замонавий уй-жойлар

## аҳоли ҳаёти сифатининг муҳим омили

Юртимизда истиқлол йилларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, хусусан, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этиш йўналишида салмоқли қадамлар ташланди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусидаги халқаро конференцияда бу борада Ўзбекистон эришаётган муваффақиятлар хорижий мутахассис ва экспертлар томонидан холис эътироф этилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши Дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани мазкур соҳадаги ютуқлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг конференцияда сўзлаган нутқида таъкидланганидек, айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизи, яъни 15 млн. нафарга яқин одам қишлоқ жойларида истиқомат қилади. 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Узунлиги 732 километр асфальтланган автомобиль йўллари, мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

Эътиборлиси, замонавий уй-жойлар барпо этиш билан бирга қишлоқдаги уйлар, оилаларга энг замонавий компьютерлар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий телекоммуникация тизими, интернет кириб бормоқда. Қишлоқ аҳолиси учун деярли янги бўлган бундай турдаги хизматлар одамлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, қишлоқ касб-ҳунар коллежларида таълим олган ва касб эгаллаган минглаб, ўн минглаб йигит-қизларни иш билан банд этиш имконини бермоқда.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимизнинг бунёдкорлик соҳасидаги ютуқлари, айниқса, қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш борасидаги тажрибаси ҳар жиҳатдан намунали, ўрганишга арзигулик эканлигини эътироф этишди.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидланган рақамлар ҳар томонлама ўйланган ноёб тизим халқимиз орзу ва ниятларининг рўёбга чиқиши, турмушининг обод бўлиши, фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда. Қайд этилганидек, жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилиб, қишлоқ жойларида уй-жойларни кенг кўламда қуриш ишлари кўзда тутилган. Хусусан, 353 та қишлоқ массиви ҳудудида бошланган қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Уларда намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,4 миллион квадрат метр бўлган, қулай шарт-шароитларга эга 10 мингта уй-жой қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 17,5 фоиз кўпдир. Айни пайтда узунлиги 300 километрдан ортиқ ичимлик суви, 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилиши, қарийб 240 километрлик автомобиль йўллари қурилиши, кенг кўламли ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 2013 йилда салкам бир миллиард доллар миқдоридаги инвестиция йўналтирилиши назарда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар фуқароларимиз турмуши обод бўлиши, фарзандларимиз баркамол инсон сифатида вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

**Шавкат БОЛТАЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Ҳуқуқий эксперимент

# Янги тажриба

## уни муваффақиятли амалга оширишда барчамиз масъулмиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

Парламент палаталари қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган устувор вазифалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Жумладан, Концепцияга мувофиқ "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидан жамоатчиликни хабардор қилишнинг ҳуқуқий тартиб-қоидалари ва механизмларини аниқ белгилаш, фуқароларнинг давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, чора-тадбирлар ва уларнинг ижросига доир ахборот ва маълумотлардан кенг ва очиқ фойдаланишини таъминлашни назарда тутади.

Президентимиз қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш, уни янада такомиллаштириш, мазмун жиҳатдан бойитиш, мукаммаллигини таъминлаш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида" Фармойиш қабул қилди. Эътиборлиси, қонун лойиҳасига доир бундай ҳуқуқий эксперимент мамлакатимизда биринчи марта ўтказилмоқда. Ушбу тажриба нафақат миллий қонунчиликни такомиллаштиришга нисбатан янгича ёндашув, балки қонун ижодкорлигининг истиқболдаги фаолияти учун ўзига хос намуна вазифасини ўтайди.

Айтиш мумкинки, ҳуқуқий эксперимент қонун ижодкорлигининг замонавий, шу билан бирга самарали усулидир. Яъни у ҳар томонлама пухта ўйланган, давлат ва жамият, айниқса, аҳолининг эҳтиёжларини ўзида қамраб олган мукаммал қонуннинг яратилишига асос бўлади. Фуқароларнинг ахборот олишдаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти билан боғлиқ ахборотдан фойдаланишини таъминлаш ва бу ахборотлардан жамоатчиликни хабардор этишда ҳуқуқий экспериментнинг аҳамияти беқиёс. Бу жараёнларнинг самарали амалга оширилиши, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлар қабул қилишдаги масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Айни пайтда қонун лойиҳаси бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказишнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятида махсус ишчи гуруҳи тузилган. Маълумки, қонун лойиҳасининг 6-моддасига мувофиқ, муассасалар веб-сайтларига жойлаштирилган маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид энг муҳим ахборот манбаи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан айни пайтда вилоят давлат муассасаларида интернет сайтларини замонавий талабларга мослаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, ҳуқуқий экспериментнинг жорий йил давомида Самарқанд вилоятида ўтказилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши фаоллари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларини мазкур жараёнда янада фаол иштирок этишга ундайди. Жумладан, жойларда тадбирлар ташкил этиш, сайловчилар билан учрашиб, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий эксперимент ўтказишнинг мақсад ва вазифалари юзасидан кенг тушунчалар бериш талаб этилади.

**Анвар МИРЗАЕВ,**
**ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига ЎзМТДП сайланган депутат**

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Ёшлар қаноти" ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида «Сиз Президент асарларини биласизми?» мавзусидаги иншолар танлови якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, партия Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ва "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Кенгашлари фаоллари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.*

Танлов

# Баркамол авлод

## Ватан келажаги пойдеворидир

Тадбирни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси, Сенатор Ғофиржон Мухаммедов кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ислоҳотлар мақсадли ва изчил амалга оширилмоқда. Зеро, Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, миллатимиз камолоти ва давлатимиз истиқболи ёшларимизнинг илмли ва эътиқодли шахс бўлиб шаклланишларига бевосита боғлиқ. Мазкур танловни ўтказишдан асосий мақсад ҳам Юртбошимизнинг нутқи ва маърузаларидан ташкил топган асарларида асослаб берилган устувор йўналишлар ва тамойилларни чуқур англаб, ўзлаштириб олишларига кўмаклашишдан иборат. Қолаверса, бу каби тадбирлар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган талаблар, ғоялар, ислоҳотлар, вазифалар келажакка йўналтирилганини, олдимизда халқимизни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирадиган улуғвор вазифалар турганлигини талаба-ёшлар онгига сингдиришда алоҳида ўрин тутади, - деди нотиқ.

Тадбирда сўз олганлар эътироф этишганидек, танлов ёшларнинг мустақилликни асраб-авайлаш, демократик қадриятлар, фуқаролик жамиятига хос тамойилларни ҳурмат қилиш, жаҳонда, минтақамиз ва жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар борасида тўғри тасаввур ҳосил қилишида муҳим аҳамият касб этади.

— Бугун юртимизда фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг замонавий билимлар, юксак интеллектуал салоҳиятга эга шахс бўлиб улғайишлари учун зарур барча шароитлар яратилган, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов. — Айниқса, ёшларнинг маънавий оламини болаликдан эзгу ва бунёдкор ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: "Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади".

Ўрни келганда айтиш жоизки, партиямиз мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган, баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этишни ўзининг устувор вазифаларидан бири, деб билади. Шу мақсадда ЎзМТДП томонидан миллий ғоя ва мафкурани мустаҳкамлаш, аҳоли ва ёшлар маънавиятини, сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни", "Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги", "Озод юртнинг обод гўшаси", "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида" каби мавзуларда қатор тадбир, семинар, давра суҳбати ва форумлар ташкил этилмоқда. Мазкур танлов ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир. Унда иштирок этган ёшлар давлатимиз раҳбарининг асарлари орқали Ватанимизнинг бой тарихий мероси билан танишиш, мустақилликни асраб-авайлаш, демократик қадриятларни, фуқаролик жамиятига хос тамойилларни ҳурмат қилиш, узоқ ва яқин ўтмиш, жаҳонда, минтақамиз ва жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, айниқса, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Танловда сўз олган ёшлар таъкидлашганидек, Президентимизнинг маънавият соҳасидаги барча фикрларини ўзида мужассам этган «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари жуда катта илмий-маърифий ва илмий методологик аҳамиятга эга. Асарда маънавий, ахлоқий тарбияга оид хилма-хил фикрлар, ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг мазмуни, методлари, восита ва шакллари ишлаб чиқилган. Тадбирда танлов учун топширилган эсселарда ёшлар томонидан илгари сурилган фикр-мулоҳазалар атрофлича таҳлил этилди. Уларнинг бу борадаги ютуқ ва камчиликлари тилга олиниб, зарур кўрсатмалар берилди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўринга Г.Шарофова, иккинчи ўринга Д.Имомов ва учинчи ўринга А.Фахриева лойиқ, деб топилдилар. Шунингдек, «Энг яхши нотиқ», «Энг яхши шарҳ», «Энг яхши таҳлил учун», «Энг яхши ижодий ёндашув учун», «Энг яхши бадиий ёндашув учун» ва "Энг ташаббускор иштирокчи" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар эълон қилинди.

Ғолибларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

***Г.ШАРОФОВА,***
***танловнинг 1-ўрин соҳибаси:***

— Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида: «Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин» деб ёзилган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб бугунги глобаллашув жараёнларига ёндашадиган бўлсак, унинг ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари мавжуд. Айниқса, "оммавий маданият" ниқоби остида урчиб бораётган маънавий таҳдидлар айрим тенгқурларимизни бепарво ва лоқайд кимсаларга айлантириб қўйиши мумкин. Бундайлар на ота-онаси ва на жамият олдидаги ўз бурчини англайди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир асари ёшлар учун ибрат мактабидир. Университетимиз ва ЎзМТДП ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов ҳам биз ёшларнинг Президент асарларини ўрганишимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни аниқ баҳолай олиш ва уни тўғри талқин этиш кўникмаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

***Ю.ЗОИРОВА,***
***тадбир иштирокчиси:***

— ЎзМТДП томонидан ташкил этилган мазкур танловда университетимиз талабалари катта иштиёқ билан иштирок этишди. Ўзини сиёсий жараёнларда синаб кўришни, давлатимиз раҳбарининг асарлари мазмун-моҳиятини чуқур англашга ҳаракат қилган ёшларнинг фикр ва қарашлари иштирокчилар ва ҳакамлар ҳайъатини бефарқ қолдирмади. Буни тадбирда маъруза қилган партия фаоллари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам эътироф этдилар.

**Ўз мухбиримиз**

Ёшлар қаноти



# Ёшларни зарарли одатлардан ҳимоялаш

**ЎзМТДП дастурий вазифалари сирасига киради**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

— Бугунги кунда мамлакатимизда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солиш, инсонлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тамакига қарамликнинг олдини олиш борасида кўплаб хайрли ишлар қилинмоқда, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Олтиной Эсонова. — Хусусан, 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни фуқаролар, айниқса, йигирма ёшга тўлмаган шахслар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга, бунинг оқибатида мазкур маҳсулотларнинг фуқаролар соғлиғига салбий таъсирини камайтиришга хизмат қилмоқда. Яъни ушбу қонун ёшлар ўртасида алкоголизм ва кашандаликнинг камайишига, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга асос бўлади. Бунинг учун мазкур қонунни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, айниқса, ёшларга тўғри тушунчалар бериб боришимиз лозим.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда сайёрамизда 1,3 миллиард киши кашандалик балосидан азият чекмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, бутун дунёда ҳар олти сонияда 1 нафар, бир дақиқада 10, бир соатда 600, йигирма тўрт соатда 14 400, йилига 5,4 миллион киши тамаки билан боғлиқ касалликлардан вафот этар экан. Бу эса ОИТС, сил, безгак каби хасталиклар туфайли содир бўлаётган ўлим сонидан анча кўп. Алькоголизм ва чекиш оқибатида турли касалликларнинг пайдо бўлиши кўп бора исботланган. Хусусан, ўлим ва ногиронликка сабаб бўлувчи 20 турдаги хатарли омиллар орасида айнан ичкиликбозлик ва кашандалик етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Айни пайтда тамаки маҳсулотлари истеъмоли 50 дан зиёд хасталикларнинг ривожланишига сабабчи бўлиши аниқланган. Юрак-қон томир, нафас олиш аъзолари касалликлари ва ўпка саратони шулар жумласига киради. Улар, албатта, миллат соғлиғи ва генофондига таъсир этади. Шу боис, ичиш ва кашандалик каби зарарли одатларга қарши курашишга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаси бўлиб келган.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, инсон саломатлиги 50-55 фоиз соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ экан, - деди Саломатлик ва тиббий статистика институти соғлом турмуш тарзи тарғиботи ва ўқитиш бўлими бошлиғи Л.Зокирова. — Ташкилот томонидан соғлом турмуш тарзининг 8 та тамойили ишлаб чиқилган бўлиб, кашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик кабилар зарарли одатлар сифатида қайд этилган. Тамаки чекиш нафақат кашанданинг ўзига, балки унинг оиласига, атроф-муҳитга ва оқибатда, миллат саломатлигига ҳам мислсиз зиён етказади. Айниқса, чекувчи ота-оналардан туғилажак фарзандлар соғлиғи жиддий таҳдид остида бўлади. ЎзМТДП билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тарғибот тадбири ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Тадбир сўнгида мавзу юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида партиянинг чора-тадбирлар дастури белгилаб олинди.

***Арслон ЭШМУРОДОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида оналар ва болалар ўлими 3 баробар камайгани, ўртача умр кўриш ёши 67 ёшдан 75 ёшгача узайганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш, репродуктив саломатлик масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ёш авлодни турли зарарли одатларнинг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар сирасига киради. Ушбу мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда партиямиз томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар ёшларни турли зарарли иллатлардан ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

***Дилдора ЭШОВА,***
***“Ёшлар қаноти” фаоли:***

— ЎзМТДП “Ёшлар қаноти”нинг “Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида”, “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни”, “Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги”, ”Оммавий маданиятнинг ёшлар маънавиятига таъсири” каби мавзулардаги давра суҳбатларида мунтазам иштирок этиб, керакли билим ва маълумотларни оламан. Бугунги тадбирда ҳам тенгдошларимиз зарарли одатларнинг салбий таъсирлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлдилар.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Депутатлик гуруҳлари ва қуйи бўғинлар

**ҳамкорлиги партия ғоялари тарғиботида муҳим саналади**

***ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида “Сиёсий партиялар фаолиятида бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш” мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.***

Тадбирни партия Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси О.Мамадалиев кириш сўзи билан очди.

— Бошланғич партия ташкилотлари фаол ва ташаббускор бўлса, партия ғоялари тарғиботи самарали кечади, - деди нотиқ. — Шу боис қуйи бўғинлар фаолиятини янада кучайтириш, электорат билан ишлашда замонавий услубларни қўллаш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, энг асосийси, сайлов жараёнида фаол иштирок этишга қаратилган турли ўқув-семинарлар, тарғибот тадбирлари ва кўрик-танловлар ўтказилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Қолаверса, тарғибот ишларимиз натижасида қуйи бўғинлар сони ортмоқда. Хусусан, вилоятда ўтган йили бошланғич партия ташкилотлари сони 166 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда улар 303 тага етди.

Ўқув-семинарда бошланғич партия ташкилотларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, электорат ўртасида тарғибот олиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари, партия сафини фаол ва ташаббускор фуқаролар билан кенгайтириш, қуйи бўғинлар ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш каби долзарб масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

Тадбирда иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий машғулотлар олиб боришди. Маърузачилар ва тренерларнинг машғулотлари қуйи бўғин етакчилари учун айни муддао бўлди.

Ўқув-семинарда ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлинмаси ходимлари иштирок этди.

***Исломжон ЮЛДАШЕВ,***
***ЎзМТДП Мингбулоқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:***

— Партиямиз ғояларини сайловчиларга етказиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ишончи ва эътиборини янада кўпроқ қозонишда қуйи бўғинлар алоҳида ўрин тутади. Шу боис, ўтган йили партия Мингбулоқ туман Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Бунинг ижобий самарасини ўтган йили 20 та қуйи бўғин фаолият олиб борган бўлса, жорий йилнинг биринчи чораги якунига кўра, улар сони 31 тага етганидан ҳам яққол кўриш мумкин.

***Гулчеҳра МАЖНУНОВА,***
***ЎзМТДП Чортоқ туман Кенгаши қошидаги “Айқирон” бошланғич партия ташкилоти етакчиси:***

— Бошланғич партия ташкилотимиз фаоллари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, партия ғояларини тарғиб қилиш ва электорат билан ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, маҳаллалар билан ҳамкорликда “Миллий ҳунармандчилик — обод турмуш гарови”, “Ёшлар — миллат келажаги”, “Хотин-қизлар сиёсий, ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш — ЎзМТДП эътиборида” каби мавзуларда турли тадбир ва учрашувлар ташкил этилди.

Ўқув-семинарда бошқа туманлардаги қуйи бўғинлар тажрибасини ўрганиб, фаолиятимизда амалга оширишни ният қилиб қўйдик.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида “Сиёсий партиялар фаолиятида бошланғич ташкилотлар самарадорлигини таъминлаш” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари раислари, БПТ етакчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан қуйи бўғинларни сон ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидланганидек, бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир сиёсий партиянинг салоҳиятини белгилайди, унинг ғоялари, дастурий мақсад ва вазифалари, бир сўз билан айтганда, партиянинг халқ орасига чуқур кириб боришини таъминлайди. Қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш, электорат ва хайрихоҳлар билан иш олиб боришдаги ишини янада жонлантириш, амалий фаолиятини кучайтириш, етакчиларнинг ташаббускорлигини ошириш орқали ушбу натижага эришиш мумкин. Шу боисдан ҳам ЎзМТДП фаолиятида бу масала ҳамиша долзарб аҳамият касб этади.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли ЎзМТДП Жиззах вилоят ҳудудий партия ташкилотлари таркибидаги БПТлар сон жиҳатдан ўсмоқда. Бугунги кунда улар сони 217 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда 14 тага ортган.

Аммо, туман ва шаҳар Кенгашларидаги қатор БПТ фаолияти таҳлил қилинганда кузатишлар шуни кўрсатадики, уларнинг айримлари партия сафига аъзоларни қабул қилиш, тор доирада тадбирлар ўтказиш билангина чегараланиб қолмоқда. Интерфаол усуллар, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, жойларда партия электоратини ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш ва уларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларига етказиш, депутатларга маҳаллий кенгашлар сессияларига киритиш учун таклифлар бериш борасида аниқ саъй-ҳаракатлар деярли кўзга ташланмайди. Ўқув-семинарда бу каби камчиликларнинг амалий ечимини топиш мақсадида маърузачилар ҳамда тренерлар томонидан БПТнинг асосий функциялари, илмий, сиёсий моҳияти, сиёсий партия фаолиятида амалга ошириши муҳим бўлган вазифалари хусусида батафсил маълумотлар берилди.

***Темур ИБАЙДУЛЛАЕВ,***
***ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси бош мутахассиси:***

— ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан “Ўқув-семинарлар сифатини тубдан ошириш орқали партия кадрлар салоҳиятини кучайтириш” жорий йилдаги устувор вазифа сифатида белгиланди. Унинг амалий ижросини таъминлашга партия Жиззах вилоят Кенгаши томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ўқув-семинарни бу йўлдаги амалий қадамлардан бири, дейиш мумкин.

Семинар-тренингда қуйи бўғин томонидан ижтимоий-сиёсий тадбирларни ташкил этиш орқали электорат ва жамоатчилик кайфиятини ўрганиш усуллари, электорат эҳтиёжларини аниқлаш, қонун ва қарорларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда амалга ошириши лозим бўлган вазифалар юзасидан маърузалар қилиниб, баҳс-мунозаралар олиб борилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар бошланғич партия ташкилотлари ишини янада жонлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

***Зулайҳо МАЛЯЕВА,***
***ЎзМТДП Жиззах туман Кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси:***

— Ўқув-семинар сиёсий билим ва малакамизни янада ошириб, амалий фаолиятимизни кучайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятга эга. Жумладан, БПТ томонидан ташкил этиладиган тадбирларнинг таъсирчанлиги, самарадорлигига эришиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, депутатлар билан ишлаш борасида янги тавсияларга эга бўлдик. Олган билимларимизни амалий фаолиятга кенг татбиқ этишимиз тез орада ўзининг ижобий натижасини кўрсатишига ишонаман.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**
**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбирлари**

Хроника

# Оила маънавияти

**уни юксалтириш ҳудудий партия ташкилотлари эътиборида**

## ХОРАЗМ

ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган тадбирларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, айниқса, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, оилалар мустаҳкамлигида аёлларнинг ўрни беқиёс. ЎзМТДП Урганч шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган “Хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки” мавзусидаги давра суҳбатида ушбу масалалар хусусида ўзаро фикр алмашилди. Унда партия шаҳар Кенгаши аъзолари, Урганч темир йўл шифохонаси жамоаси ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Урганч шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Жуманиёзов кириш сўзи билан очди. — Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштироки кенгайиб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бормоқда, - деди нотиқ. — Бугунги кунда партиямиздан сайланган барча даражадаги депутат хотин-қизлар ЎзМТДП дастурий мақсадлари тарғиботи йўлида фаоллик кўрсатишмоқда. Эътироф этиш жоизки, ҳали мазкур йўналишда амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар талайгина. Чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аёлларни оилавий бизнес, касаначилик ва миллий ҳунармандчиликка кенг жалб этиш, уларга шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш олдимизда турган муҳим вазифалар сирасига киради.

Давра суҳбатида иштирокчилар эътироф этишганидек, оилаларда фарзандларга тўғри тарбия бериш, уларнинг билим олиш, касб эгаллашларини жиддий назорат қилиб бориш, эртамиз эгалари бўлмиш ёшларнинг маънавияти, одоб-ахлоқи ва саломатлигига таъсир кўрсатувчи турли салбий иллатлардан асраш-авайлаш аёллар зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир.

## САМАРҚАНД

ЎзМТДП Қўшработ туман Кенгаши томонидан “Юксак маънавиятли оила — мустаҳкам жамият таянчидир” мавзусида тадбир ўтказилди. Ундан кўзланган мақсад партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда оила институтини янада мустаҳкамлаш, оилаларда сиёсий-ҳуқуқий, тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни оилавий тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик ва касаначиликка кенг жалб этиш орқали оилалар фаровонлигини оширишга кўмаклашишдир.

— Юксак маънавиятли оилани шакллантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом ва баркамол фарзандларни вояга етказишда маҳаллалар, ўқув даргоҳлари ва ота-оналарнинг доимий ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади, - деди партия Қўшработ туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари А.Ботиров. — Ўрни келганда айтиш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада партия туман Кенгашимиз ташаббуси билан жойларда “Ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда никоҳ шартномаларининг аҳамияти”, “Мустақилликка тенгдош оилалар”, “Оила маънавияти — жамият таянчи” мавзуларида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Тадбирда ЎзМТДП Қўшработ туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган депутатлар, “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” етакчилари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари ва ёш оила вакиллари иштирок этди.

## ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Ғаллаорол туман Кенгаши томонидан ўтказилган “Жамият ривожида хотин-қизларнинг роли ва уларнинг сиёсий партиялар фаолиятидаги иштироки” мавзусидаги тадбирда юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини янада юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, аёлларимиз учун муносиб турмуш ва меҳнат шароитларини яратишга кўмаклашиш борасида ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги жамият тараққиётини белгиловчи муҳим жиҳат, - деди тадбирда сўз олган халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Л.Эгамова. — Жумладан, айни пайтда Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган 11 нафар депутатнинг 5 нафарини аёллар ташкил этаётгани ҳам хотин-қизларнинг партия фаолияти ва ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокидан далолат. Бу борада партиямиз томонидан турли лойиҳа ва ташаббуслар амалга оширилмоқда. Хусусан, партия “Аёллар қаноти”нинг “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” номли кўрик-танлови хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш орқали жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фаол меҳнат қилишга ундамоқда.

Савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбир якунида бу каби тарғибот ишларини туманнинг чекка ҳудудларида ҳам ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

## НАВОИЙ

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида юксак маънавиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда оила институти зиммасига алоҳида масъулият юкланади.

ЎзМТДП Қизилтепа туман Кенгаши, ”Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган “Оила — жамият асоси” мавзусидаги тадбирда ана шулар хусусида сўз борди.

— Ҳамюртларимиз буюк аждодларимиз, уларнинг илмий ва тарихий мероси, халқимизнинг меҳмондўстлиги ва меҳнатсеварлиги билан доимо фахрланиб келган, - деди партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Т.Муҳаммедов. — Ушбу маънавий-ахлоқий қадриятлар устуворлиги, аввало, оилада шаклланган. Шу нуқтаи назардан, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий мақсадларида белгиланган устувор вазифалардан ҳисобланади.

Тадбирда сўз олганлар оила халқимиз учун энг муҳим ҳаётий қадрият ва баркамол авлодни вояга етказишда мустаҳкам қўрғон эканлигини алоҳида эътироф этишди. Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила институтини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли оилалар фаровонлиги ва турмуш тарзи янада яхшиланиб, маънавий-ахлоқий қадриятлар мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараёнга ЎзМТДП ҳам ўз сайловолди Платформасида белгиланган “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳани амалга ошириш орқали муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Спорт



# Баркамоллик омили

*Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортсевар ўғил-қизларнинг севимли масканига айланган.*

*562 нафар ўқувчи спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, мини футбол каби турларида маҳоратини ошираётган мазкур мактабда бадиий гимнастика бўйича ҳам машғулотлар фаол йўлга қўйилди. Айни пайтда қирққа яқин тарбияланувчи малакали мураббий Сабина Аҳмедова раҳбарлигида нафис спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Соғлом турмуш тарзи, гўзаллик, ирода ва матонат гарови бўлган бадиий гимнастика мактаб ёшлари ўртасида тобора оммалашмоқда.*

Ҳуқуқ ва бурч

# Инсон ҳуқуқлари

## таъминланишида омбудсман институтининг ўрни

***Инсон ҳуқуқлари ва уни таъминлаш бутун инсоният интилишлари ва орзу-умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунчадир. Инсон ҳуқуқлари демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси ва демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шу боис инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳам халқаро, ҳам миллий ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин тутади.***

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки босқичларидаёқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, кафолатлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва конституциявий асослари шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши халқаро ҳуқуқнинг эътироф этилган устувор нормалари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш йўлида биринчи қадам бўлди. Инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари мамлакатимизда ҳар нарсадан устун ва устувор. Буни мамлакатимизда қабул қилинаётган инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига доир ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Айни пайтда омбудсман институтининг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уни ҳимоя қилиш воситаси сифатидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Дарҳақиқат, омбудсман институтининг инсон ҳуқуларини таъминлашдаги ўрни ва роли жуда муҳимдир.

Омбудсман институти, аввало, демократик ҳусусиятлари билан тавсифланади. Омбудсман давлат органлари тизимидан мустақиллиги, парламент белгилаган муддат давомида ўзгармаслиги, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга муҳтож бўлган фуқороларга очиқлиги, шикоят ва мурожаатларни кўришда расмиятчиликка йўл қўймаслиги, аҳолига бепул хизмат кўрсатиши билан ажралиб туради. Омбудсман назоратни амалга оширишда самарадорликка, адолатпарварликка катта эътибор берадиган мансабдор шахсдир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият юритаётган миллий институт тизими 1996-1997 йилларда шакллантирилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларга қайси миллатга мансублигидан қатъий назар барча соҳаларда тенг ҳуқуқий асослар яратиб берилди, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланди — давлат ҳимоясига олинди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда 1997 йил 26 апрелда қабул қилинган "Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги қонун алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур қонун асосида мамлакатимизда омбудсман институти самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу қонунга асосан Омбудсман мамлакатда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиш самарадорлиги устидан парламент назоратини амалга оширади, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради.

Жаҳон амалиёти ва ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, Ўзбекистонда омбудсман тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши жамиятимизда демократиянинг ривожланаётганлиги, давлат билан фуқароларнинг ўзаро муносабатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади. Бундан ташқари мамлакатимизда 1996 йилнинг ноябридан буён "Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ" фаолият юритмоқда. 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, "Виждод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун, 1997 йилнинг августида қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури" инсон ҳуқуқлари ҳимоясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов 1996 йил 29 августда Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устидан мониторинг ва назоратни ўрнатиш идоравий тузилмаларини барпо этиш муҳим вазифадир. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг, ҳуқуқпарвар жамоат ташкилотларининг мавқейини ва мақомини кўтариш зарур. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд омбудсман институти, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, инсон ҳуқуқлари Миллий маркази сингари ташкилотларни ривожлантириш ҳамда бошқа институтларни ташкил этиш лозим. Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини бошқариш ва назорат қилишнинг янги самарали механизмларини яратиш зарурати талаб этилди. Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир".

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича халқаро ҳамда ноҳукумат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширмоқда. Ўтган ўн беш йил давомида бу борада бир қанча шартномалар имзоланди. 1997 йил 12 июлда БМТнинг Ривожланиш дастури билан мамлакатимиз ўртасида "Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизими" дастури имзоланди. "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси", "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт", "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт ва факультатив Баённома" каби бир қатор халқаро ҳужжатлар тан олинди. Бу халқаро ҳужжатлар инсоннинг барча тан олинган халқаро ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат-эътиборни таъминлаш, жамиятни демократлаштириш жараёнида, фуқаролик жамиятини қуришда инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоялашнинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини ҳал этиш, бошқарувни янада демократлаштириш, энг асосийси, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англашларида муҳим аҳамият касб этади.

**Диёра АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маъсул ходими**

Шу куннинг мавзуси

# Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш янада такомиллашди

***Жорий йилнинг апрел ойидан янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон Сайдалиев билан ушбу Қонун, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида суҳбатлашдик.***

**— Сир эмас, мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда айрим муаммолар юзага келган эди. Масалага ана шундай нуқтаи назар билан қаралганда бугунги кунда янги таҳрирдаги қонунга эҳтиёж сезилганини англаш қийин эмас. Ушбу қонунда, сизнингча, мавжуд муаммолар қандай ечим топган?**

— Аввалги Қонун қарийб бундан ўн уч йил олдин қабул қилинган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида йўл ҳаракати хавфсизлигига доир жуда кўп ўзгаришлар амалга оширилди. Шунга кўра, Қонунга Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, бошқа давлатларда йўл ҳаракати соҳасида эришилган иш тажрибаларини умумлаштириш асосида қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласи давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, унинг ҳал этилишида давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, жамоат ташкилотлари, барча турдаги юридик ва жисмоний шахслар бирдек манфаатдор бўлишлари ҳамда иштирок этишлари зарур.

Шу нуқтаи назардан, мазкур қонун фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, автомобилларда ташиш сифати ва хавфсизлигини янада оширишни мақсад қилган. Қолаверса, ушбу Қонун ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашнинг зарурий ва мақсадли йўналишларини белгилайди, транспорт воситалари ва уларнинг жиҳозлари, автомобиль йўлларининг техник ҳолатига бўлган талабларни янада аниқлаштиради. Қонунда, шунингдек, транспорт воситаларини, уларнинг конструкцияларини ва таркибий қисмларини, қўшимча жиҳозлаш предметларини, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни мажбурий ва қайта сертификатлаш, декларация қилиш шартларига ҳам аниқлик киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунида фақат 50 та ва ундан ортиқ ҳаракат таркиби мавжуд бўлган автохўжаликлар учун хавфсизлик бўйича муҳандис лавозими тайинланиши кўзда тутилган. Шу кунгача кўп сонли ҳаракат таркибига эга йирик автокорхоналар учун меъёрлар мавжуд эмас эди. Шуни инобатга олган ҳолда қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутахассисларнинг сонини ҳаракат таркиби сонига қараб жорий этиш белгилаб қўйилди.

Фаолияти транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг ходимларини йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича ўқитиш, малакасини ошириш, йўриқнома бериш, билимини синаш, иш берувчининг масъулиятини ошириш бўйича ваколати ва мажбуриятларини аниқ белгилаш мақсадида "Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг ходимларини ўқитиш, мазкур ходимлар малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текшириш" деб номланган янги модда киритилди. Унга кўра, ходимларни йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича ўқитиш, малакасини ошириш, йўриқнома бериш ва билимини синаш иш берувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган бўлди. Раҳбар ходимлар ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар шахслар мунтазам равишда, ҳар уч йилда бир марта ўз малакасини тасдиқланган махсус дастурлар асосида ошириб, малака имтиҳонини топширишлари зарурлиги аниқ ва равшан қилиб белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ва бошқа ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам қонунда алоҳида эътибор қаратилиб "Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари" деб номланган модда киритилди. Ушбу моддага кўра, эндиликда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчилар иш берувчидан ҳаракат йўналиши, ташиладиган юк, ўз ҳаёти ва соғлиғига нисбатан мавжуд бўлган таҳдид тўғрисида, шунингдек, ташишни амалга ошириш чоғида зарарли ва хавфли омиллар таъсиридан ўзининг ҳимоя қилинишига доир чора-тадбирлар ҳақида ахборот олиш, меҳнат вазифаларини бажариш чоғида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва бошқа бир қатор ҳуқуқларга эга бўлдилар.

**— Қонунга "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари" деб номланган янги модда ҳам қўшилган.**

— Бу модда Ўзбекистон Республикасида қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятидаги амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда киритилди. Ушбу моддага асосан фуқаролар ҳаёти ва соғлиғининг муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, шунингдек, атроф-муҳит ҳимояси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида белгилаб қўйилди.

Қонунда мутасадди органларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ваколатлари ҳам аниқлаштирилди. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Махсус ваколатли давлат органларига Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати киради.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари Қонуннинг 10-моддасида белгилаб берилган. Унга кўра, ДЙҲХХ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ушбу Қонунга, йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмига риоя этиши устидан назорат олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ДЙҲХХ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**— Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини амалга оширишда жамоатчиликнинг роли муҳим ҳисобланади. Қонунда ана шу жиҳатлар ўз аксини топганми?**

— Қонун "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишдаги иштироки" деб номланган янги модда билан тўлдирилди. Унга кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш доирасида норматив ҳужжатларни такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ташкилий тадбирларни ўтказиш юзасидан давлат ҳокимияти маҳаллий органларига, ваколатли давлат идораларига таклиф киритиш ҳуқуқлари берилди.

Қонундаги бир қатор моддалар, жумладан, автомобиль йўллари ривожланишининг барча босқичларида уларнинг ҳолатига қўйиладиган талабларга тегишли моддалар (лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаб туриш) қайта ишлаб чиқилди. Қонун ҳаракат иштирокчиларининг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларни сервис объектлари билан жиҳозлаш талабларини кўзда тутувчи "Йўлларда сервис объектларини қуриш" деб номланган модда билан тўлдирилди.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати бу "Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш" деган моддасидир. Ушбу моддада йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш ҳайдовчиларни мажбурий равишда дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, айниқса, тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар ёрдам кўрсатиш усулларини вақти-вақти билан ўргатиш орқали амалга оширилиши белгилаб берилган. Бу модданинг муҳим томони шундаки, ҳар бир ҳаракат иштирокчиси биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича муайян малакага эга бўлиши талаб этилади. Чунки, аксарият ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасида жабр кўрганларга кўрсатиладиган дастлабки тиббий ёрдамни қай даражада малакали амалга оширилиши жабрланувчининг ҳаётини асраб қолишда муҳим ўрин тутади. Биз тажрибада бу каби ҳолатларга кўп гувоҳ бўлганмиз.

Қонуннинг "Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари" деб номланган моддаси ҳам йўл ҳаракати иштирокчиларига қўшимча ҳуқуқ берувчи, яъни ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича, жумладан, йўл белгиларини, йўл чизиқлари, светафорларни ўрнатиш ва алмаштириш масалаларида, йўлларнинг қопламаси ҳолати ва бошқалар бўйича тегишли органларга мурожаат этиш ҳуқуқлари билан тўлдирилди.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳолатини баҳоловчи асосий кўрсаткичлар ҳисобини юритиш талаб этилмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонуни талаблари доирасида "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини шакллантириш, ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш", деб номланган янги модда киритилди. Бу ишларни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**— Ўзбекистон Республикасининг "Техник мувофиқлаштириш тўғрисида"ги ва "Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги Қонунлари талабларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, асосан, нималардан иборат?**

— Мамлакатимизда йўловчи ташувчи транспортлар фаолиятини тартибга солиш, улар фаолиятини доимий назорат қилиб бориш масаласига доимо катта эътибор қаратиб келинади. Шу боисданми, қонуннинг "Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи" деб номланган моддасида қайси турдаги транспорт воситаларини қанча ёшдан бошлаб бошқаришга рухсат берилиши аниқ кўрсатилди. Жумладан, ушбу моддага кўра такси тариқасида фойдаланиладиган автомобилларни, шунингдек, йўловчилар ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари саккизтадан ортиқ ўриндиғи бўлган автомобилларни, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқи йигирма бир ёшга тўлган шахсларга берилиши белгилаб қўйилди.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи керакли тоифадаги ҳайдовчилар тайёрлашнинг ўқув режаси ва дастурида назарда тутилган ҳажмда тайёргарликдан ўтган шахсларга берилади.

Қонунда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқининг бекор қилиниши тўғрисидаги шартлар ҳам киритилган. Унга кўра ҳайдовчининг соғлиғи транспорт воситасини хавфсиз бошқаришга монелик қиладиган тарзда ёмонлашганлиги тиббий хулоса билан тасдиқланганда ёки ҳайдовчи бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этувчи ҳуқуқбузарлик содир этганда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш суд томонидан амалга оширилади.

Янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий асосларни янада ривожлантириб, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, транспорт воситаларига эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг масъулиятини кучайтиради. Шунингдек, фуқароларнинг йўлларда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш бўйича масъулиятини оширади, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, улар сонини камайтиришга хизмат қилади.

**Мазкур қонун фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, автомобилларда ташиш сифати ва хавфсизлигини янада оширишни мақсад қилган.**

**"Milliy tiklanish" мухбири**
**Эркин ДОРИПОВ**
**суҳбатлашди**

MILLIY TIKLANISH
15 (232) 2013 йил
24 апрель, чоршанба



Нуқтаи назар

# Ўзбек оиласи

## тарихий, ижтимоий, миллий ҳодиса

*Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ оила масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1998 йилнинг "Оила йили" деб номланиши оиланинг жамият равнақидаги ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатлари ва фаровонлигини яхшилашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда изчил таъминлаш муҳим восита вазифасини ўтади.*

Оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида Давлат дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилди. Оилавий ҳаёт масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди. Шунингдек, муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2012-йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши, унинг мантиқий давоми сифатида жорий йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши мамлакатимизда оилага, баркамол фарзандлар тарбиясига, тинчлик ва барқарорликни сақлашга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Зотан, турмушнинг ободлиги оила, унинг тинчлиги ва осойишталиги билан узвий боғлиқ.

Оила — никоҳ ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзғорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий масъулияти билан бир-бирига боғланган. Оиланинг энг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири инсон наслини давом эттириш, болаларни тарбиялаш, оила аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали уюштиришдан иборат. Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса саналса-да, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий муносабатлар билан белгиланади ва улар таъсирида ўзгариб боради. Шундай экан, оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келадиган жараёндир.

Ҳар бир одам ўзига хос феълатворга эга, бир одам иккинчисидан нимаси биландир фарқланади. Шу боис, бу ёруғ жаҳонда бир-бирини айнан такрорлайдиган кишилар йўқ. Одамларки бетакрор экан, оилаларнинг бир-бирига ўхшамаслиги ўз-ўзидан аён бўлади. Эр ва хотин — икки тирик вужуд, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам эса оиладир. Иттифоқ деган сўзнинг замирида аҳиллик, тотувлик деган маънолар назарда тутилади. Оила асоси ҳисобланган эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг самимий, меҳрибонлик, ёлғон гапларсиз, гумонсиз, очиқ чеҳра ва ширин сўз воситасида кечиши оила бахтини ва турмушнинг ободлигини белгилайди. Агар оила ҳақиқатдан тинч-тотув ва аҳил бўлса, олам гулистон. Аксинча, эр-хотин жанжалкаш бўлса, бунинг жабрини улардан кўра кўпроқ болалари, яқин қариндошлари тортади. Жамиятга моддий ва маънавий зиён етади. Дарҳақиқат, оила фақат эр ва хотиннинг ўзидан иборатгина бўлмай, уларнинг бола-чақалари, энг яқин туғишганларидан ҳам иборат кишилар гуруҳи, бошқача айтганда, хонадондир. Оила расмий тус олган тақдирдагина, эр хотини олдида, хотин эри олдида, улар эса фарзандлари олдида, фарзандлари ота-оналари олдида масъулиятли ва бурчли бўлади. Маънавий муносабат дейилганда, эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, шафқат, оқибат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия каби инсоний туйғу ва талаблар кўзда тутилади.

Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан бирга бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Фарзандларни катта оқимга — жамиятга қўшиш билан эса оила жамият йўналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Шарқда оила қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланган. Хусусан, ўзбек оилаларида муайян турмуш тарзи шаклланиб, катта ҳаётий тажриба орттирилган. Тежамли ва саришта рўзғор тутиш, фарзандларни одобли, маънавий етук бўлиб камол топишида эса ота-онанинг роли бениҳоя каттадир.

Оиладаги доимий тарбиявий таъсирчан куч — руҳий хотиржамлик, самимий муносабат, ота-она обрўсининг юқори бўлиши, болаларга талаб қўйишда оила катталари ўртасидаги бирликнинг сақланиши, болани меҳнатга лаёқатли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш, уни севиш ва иззатини жойига қўйиш, оилада қатъий режим ва кун тартибини ўрнатиш, боланинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, боладаги ўзгаришларни кузатиб бориш, ундаги интилиш ва ташаббускорлик сифатларини қўллаб-қувватлаш баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим омили.

Бола ҳаётининг кўп қисми оилада ўтади. Ундаги мавжуд анъана, урф-одат, расм-русум ва маросимларнинг ижобий таъсирида бола аста-секин камол топиб боради. Оиладаги тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина кутилган натижаларга эришиш мумкин. Оиланинг тинчлиги, тотувлиги, ундаги масалаларнинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, адолатли ҳал этилиши, жоҳиллик, ялқовлик, худбинлик, журъатсизлик ва такаббурлик, бефарқлик каби иллатлардан холи бўлиш оиланинг мустаҳкам ва обод бўлиши, комил фарзандлар тарбиялашнинг асосий манбаидир.

Абдулла Қодирийнинг мумтоз романчилик мактабининг нодир намунаси бўлган "Ўтган кунлар" асарига назар ташлар эканмиз, унда нафақат тарихий воқелик, балки миллий тарбиямизнинг беқиёс жиҳатлари очиб берилганига амин бўламиз. Асарда муаллиф ўша давр воқеликларини баён қилиш билан бирга, ўзбек халқи маънавияти, оилавий муносабатларининг самимийлиги ва маънавий оламини катта маҳорат билан ёритиб берган. Воқеалар асосан иккита — кичик, иқтисодий ва сиёсий жиҳатлардан тенг бўлмаган оилалар ўртасида содир бўлади. Юсуфбек Ҳожи, турмуш ўртоғи Ўзбекойим, фарзанди Отабек ҳамда Мирзакарим "қутидор", турмуш ўртоғи Офтобойим, фарзанди Кумуш. Абдулла Қодирий асардаги барча исмларни ўзига хос усулда танлаган. Уларга узоқ йиллардан буён шаклланиб келган миллий руҳиятимизни сингдирган. Шу тариқа ҳукмрон синф сиёсати нигоҳини бошқа томонга қаратиб, аслида миллий маънавиятимизни тарғиб қилган.

**Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса саналса-да, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий муносабатлар билан белгиланади ва улар таъсирида ўзгариб боради. Шундай экан, оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келадиган жараёндир.**

Миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий меросимизнинг ўзига хос анъаналарини давом эттириш, ёшларимизни юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялаш бугунги куннинг асосий талабидир. Бунда оиланинг тутган ўрни ва ролини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Чунки у тарихий, ижтимоий, миллий ҳодиса. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу-орзу ва интилиш билан яшайди".

**Илҳом УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Жиззах вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси,**
**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**





*Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабида 148 нафар ўғил-қиз 26 педагогдан фортепьяно, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий ижрочилик, театр санъати, хореография, тасвирий санъат каби олти йўналишда сабоқ олмоқда. Бу ерда таълим жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланилади. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган машғулот хоналари, мусиқа ва санъатга оид ўқув қўлланмалар, китоблар фондига эга кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Барча замонавий шарт-шароитларга эга 200 ўринли концерт залида ёш иқтидор эгалари иштирокида турли маданий тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.*

*Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.*

Ўзлик

# Юксак маънавият

## миллат тимсоли

*Ер юзидаги ҳар бир миллат ўзлигини намоён қилишда, албатта, аждодлари яратган ва асрлар давомида шаклланган тарихига, маънавиятига суянади.*

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига мурожаат қилган ҳар бир киши макон, замон ва маънавият ҳақида янги ва пурмаъно билимлар, ҳикматларни кашф қилади. Ўзи ва инсоният тақдирига дахлдор бўлган кўплаб саволларига жавоб топади, дунёда рўй бераётган глобал ва минтақавий воқеалар туб моҳияти ва илдизини теран англай бошлайди.

**«Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридаги қуйидаги фикрлар эътиборни тортади:**

**«Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?**

**— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?**

**— Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?**

**— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улуғ furbo бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларда қоришиб ётган эди?**

**— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?**

**— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган элнинг фарзандлари эканимизни англармидик? — Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров биз билан ҳисоблашармиди?..»**

Шукрки, Президентимиз раҳнамолигида истиқлолга эришдик. Аждодларимизнинг орзу-армонлари ушалди. Эркинлик ўзлигимизни англашга, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек миллати деб баралла айтишга имкон туғдирди. Ёш мустақил давлатнинг пайдо бўлишини турли давлатлар ўз манфаат ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда турлича қабул қилдилар. Айримлар Марказий Осиёда етакчи мавқеига эга бўлган янги давлатни ўз таъсир доирасига тортишга интилдилар.

Президентимиз таъкидлаганларидек: **«Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга».** Радио, телевидение, матбуот ёки интернетдаги турфа хил ахборот ва маълумотлар ҳар қандай кишининг диққатини ўзига тортиши шубҳасиз. Улардан инсон ўзига керакли маълумотларни олади, тафаккур доираси кенгаяди, муайян билимларга эга бўлади. Зарур маълумотлардан хабардор бўлиш замон талаблари ва бизнинг эзгу мақсадларимизга мос келади. Бироқ четдан кириб келаётган ахборотлар оқимида маънавий дунёқараши заиф бўлган кимса уларга ўралашиб қолиб, чалғиши, энг ёмони, уларнинг зарарли таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Ҳозирда юртимизга хорижий киностудияларда ишлаб чиқарилган кўплаб кинофильмлар кириб келмоқда. Ҳиндистон, Корея киносанъаткорлари яратган инсоний қадриятлар, меҳр-муҳаббат каби ғояларни тараннум қилувчи, шунингдек, тарихий мавзудаги бадиий фильмларнинг аксарияти халқимизга манзур бўлмоқда. Бундай фильмларнинг айримларида миллатимиз руҳиятига мос келадиган юксак инсоний муносабатлар, қадриятларга, ота-онага, улуғларга ҳурмат каби ғоялар акс этган. Четдан яна бир тоифа кинолар кириб келмоқдаки, улар қандай мақсадда яратилганлигини бирдан илғаб олиш қийин. Айрим сериаллардаги маънавий ахлоқсизликлар, жангарилик, зўравонлик, енгилтаклик ёхуд даҳшатли манзаралар акс этган фильмларни кўрган айрим ёшлар ўзларини фильмдаги «қаҳрамон»ларга қиёслай бошлайдилар. Уларга ўхшаб кийинишга, фикрлашга, ҳар томонлама тақлид қилишга ҳаракат қиладилар. Бундай муносабат нафақат кино, балки санъатнинг бошқа турлари воситасида ҳам намоён бўлмоқда.

Миллий менталитетимизга ёт бўлган фильмларга ҳамоҳанг тарзда турли хил мусиқий клипларнинг кириб келаётганлиги ва уларга тақлидан ўзимизда ҳам пайдо бўлаётган видеолавҳалар миллий маданиятимизга таъсир этмасдан қолмайди. Айрим ёшларимиз ўқиш, ўрганиш, ижод қилиш, спорт, санъат билан шуғулланишга ажратиши мумкин бўлган вақтларини ана шундай клип ва фильмларни томоша қилишга сарфлайдилар.

Ёхуд айрим мактаб ўқувчиларидаги қўл телефонларини олайлик. Телефон фақат суҳбатлашиш ёки ўзаро хабар алмашиниш воситаси сифатида хизмат қилса нур устига нур, бироқ уларда ёшлар тарбиясига салбий таъсир қиладиган ҳаёсиз суратлар, видео лавҳаларнинг ҳам мавжудлиги, ёшларни жунбушга келтирадиган, киши руҳиятига ёмон таъсир қиладиган мусиқаларнинг янграши афсусланарли ҳолдир. Бундай таъсир ва таҳдидлар шунчалик «ялтироқ», «жозибадор» ва «мафтункор» кўриниш олганки, ғофил банда баъзан чиройли ўйинчоққа маҳлиё бўлган ёш гўдак каби улар таъсирига қачон ва қандай тушиб қолганлигини англамай қолади.

Мусиқа санъат турлари орасида киши руҳиятига тез таъсир қиладиган восита ҳисобланади. Ёшларнинг мусиқа санъатига муносабати улар маънавиятининг маълум маънодаги кўзгусидир. Ўзимизнинг миллий мусиқа санъатимиздан узоқлашиб, бизга ёт бўлган турли хил мусиқаларни тинглаш ва ана шу мусиқалар садоси остида тадбирларни ўтказиш қайсидир маънода миллий қадриятларимиз ва ўзлигимиздан чекинишни англатади.

«Ўтган кунлар», «Маҳаллада дув-дув гап», «Тоҳир ва Зуҳра» фильмлари миллий кино санъатимизнинг ўлмас дурдоналарига айланди. Уларни қайта-қайта кўргингиз келаверади. Фикримизча, мазкур асарларнинг «Олтин фонд»дан жой олишида халқимиз маънавияти ва ўзига хос менталитети ёрқин ва ишонарли тарзда акс этганлиги муҳим омил бўлган. Фильмлардаги мусиқалар ҳам узукка кўз қўйгандек. Халқимизнинг улуғ даҳоси яратган «Шашмақом», «Андижон полькаси», «Мустаҳзод», «Жанон бўламан деб...», «Тановар», «Ўртар», «Сувора», «Қўрбон ўлам», «Самарқанд ушшоғи» каби кўплаб мақом ва қўшиқлар неча асрларки авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Юксак маънавиятли шахс ҳар қандай ахборот ташувчи манбадан оқилона фойдаланади, унга ҳеч қандай ёт ғоя таъсир ўтказа олмайди. Халқимиз маънавияти ҳавас қилса арзийдиган, уммон каби кенг ва чуқур, бақувват илдизларига эга. Унинг қарийб уч минг йиллик тарихга эга «Авесто»дек китоби, Алпомишдек халқ қаҳрамони, Ал Хоразмийдек математиги, Амир Темурдек соҳибқирони, Ибн Синодек табиби, Улуғбекдек астрономи, Навоийдек шоири бор?! Ва бу рўйхатни яна истаганча давом эттириш мумкин.

Ўзбек халқи улуғ даҳолар ва буюк маънавиятга эга халқ. Кимки юксак маънавият соҳиби бўлса, уни мустаҳкам қўрғон каби ҳеч ким ва ҳеч қачон ишғол этолмайди, метин қоядек собит тура олади. Зиёлиларимиз, илм, фан ва маданият жамоатчилиги Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари мазмун-моҳиятини ёшларимизга етказишлари лозим. Президентимиз айтганларидек: **«Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди».**

**Эркин МУСУРМОНОВ,**
**филология фанлари номзоди,**
**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Китоб — маърифат

# "Шарқ зиёкори"

## маърифат тарқатмоқда

*Донишманд бобокалонларимиздан бири шундай деган экан:*
*— Ҳикмат қадрига етганларга бебаҳо хазина, қадрламайдиган гумроҳ, нодонлар учун бир пулга қиммат нарсадир.*

Дарҳақиқат, ҳикмат қадрига саводхон, маънавий-маърифий жиҳатдан етук, дили, фикри покиза, эл-юрти учун жонини фидо қилишга тайёр инсонларгина етадилар ва ўзларида доим унга ташналик сезадилар. Ҳикматнинг туганмас манбаи эса китобдир. Биронта буюк донишманд йўққи, китоб ҳақида қимматли фикр билдирмаган ва саводхонликка даъват этмаган бўлсин. Хитой халқ мақолларидан бири шундай: ўғлингга бир хум олтин қолдирма, битта китоб қолдир. Бизнинг халқимиз ҳам азалдан саводхонликка алоҳида эътибор қаратган. Айниқса, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан кейин нашр этилаётган китоблар сони йилдан йилга ортиб бормоқда, мазмун ва сифати яхшиланмоқда. Китобларнинг кенг омма орасида тарқалишида эса китоб савдоси ходимларининг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор бўлмоқда. Бу борада, айниқса, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қошида фаолият бошлаган "Шарқ зиёкори" китоблар марказининг алоҳида ўрни бор.

1997 йилда ташкил этилган марказ қисқа фурсат ичида кенг қанот ёза бошлади. Дастлаб, олти нафардан иборат бўлган марказ ходимларининг мақсади "Шарқ" нашриёт-матбаа корхонасида босиб чиқарилган китобларни сотиш эди. Бироқ орадан кўп ўтмай бу масъулияти чекланган жамият — марказнинг иш кўлами кенгая бориб, унинг қошида янгидан-янги китоб савдоси шохобчалари барпо этила бошланди. Бунда марказнинг ишбилармон, ташаббускор раҳбарияти хизмати яққол сезилиб турарди. Айниқса, уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августда қабул қилган "Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори янада руҳлантириб юборди. Қарорни ўзларининг дастуриламали деб билган марказ мутасаддилари улкан режаларга қўл уришди. Биринчи галда республикамизда иш олиб бораётган барча нашриёт-матбаачилар билан шартномалар тузишди. Улар тайёрлаган нашрларни мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига вақтида етказиб бериш ҳамда аҳоли орасида сотиш масъулиятини зиммасига олди. Жамиятнинг асосий вазифаси дарсликлар, бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётлар ҳамда канцелярия моллари билан савдо қилишдан иборат эди.

Ҳозирги кунга келиб марказнинг биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 7 та шохобчаси пойтахтнинг минглаб аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят марказларида "Шарқ зиёкори"нинг шохобчалари ташкил этилган. Улар намунали хизматлари билан аҳоли ўртасида маърифат тарқатишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— Президентимизнинг фармони билан Наманган шаҳрида янги типдаги китоблар марказининг барпо этилиши китобсеварлар дилидаги айни муддао бўлди, - дейишмоқда "Шарқ зиёкори" мутасаддилари. — Шу билан бирга бу каби замонавий масканларни кўпайтиришдек шарафли масъулият ҳам юкланди бизга.

Барча соҳада бўлгани каби китоб савдосида ҳам иш услубини такомиллаштира бориш ва китобхонлар билан муомала маданиятини юксалтириш устида тинимсиз изланиш тақозо этилади. Буларсиз ишда бирон-бир муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бу борада ҳам "Шарқ зиёкори" раҳбарияти ибратли ишларни амалга оширди. "Шарқ зиёкори" қисқа фурсат ичида кўп йиллик тажрибага эга соҳадошлари билан бемалол рақобатлаша олиш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган барча тадбирларда "Шарқ зиёкори" ўзига хос китоб кўргазма-ярмаркаларни ташкил этиб келмоқда ва улар ташриф буюрувчиларда илиқ таассуротлар қолдирмоқда. Анъанага айланган бу тадбирлар ҳам марказ ишининг янада оммалашиб боришига баракали ҳисса қўшаётир. Марказ раҳбарияти ташаббуси билан китобсевар мижозлар иштирокида турли мавзуларда, турли соҳа мутахассислари билан учрашувлар ўтказиб туриш одат тусига кирган. Айниқса, таниқли ёзувчи ва шоирлар билан мунтазам ўтказиб бориладиган учрашувлар мароқли бўлмоқда. Бундай анжуманлар одатда чин дилдан, самимий ва дилкашлик билан ўтади. Фойдали томони шундаки, учрашувга пухта тайёрланган мухлислар ижод аҳли олдига янги-янги мавзуларни кўндаланг қўяди. Адабиётчиларни уларнинг ечимини топишга ундайди. Мустақиллигимизнинг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида асарлар кутишаётганини баён этишади. "Шарқ зиёкори" кошонасида янги асарлар тақдимотининг ўтказиб турилиши ҳам анъанага айланмоқда. Яна шуниси қувончлики, учрашувдан учрашувгача бўлган фурсатда китоб мухлисларининг саводхонлиги юксалиб бормоқда. Бу эса адибларни масъулиятни янада теран англашларига, сермазмун асарлар яратишга ундамоқда.

"Шарқ зиёкори" ташаббускор раҳбариятининг бундай саъй-ҳаракатларидан мақсади битта: халқимиз орасида саводхон, маърифий-маънавий етук инсонларни янада кўпайтиришдир. Ташкил этилганида атиги 6 нафар ходим билан иш бошлаган маърифат масканида ҳозирда юз нафардан зиёд маърифатчилар хизмат қилаётганининг ўзи фикримизга яққол далил бўла олади.

**Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ**



*Бухоро вилоятида ёшларнинг замон талаблари даражасида билим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, таълим сифатини ошириш борасида изчил ишлар амалга оширилаётир.*

*Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти қошидаги 1-академик лицейида аниқ ва табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар, чет тиллари филологияси йўналишлари бўйича 1160 нафар ўғил-қиз сабоқ олмоқда. Зарур ўқув жиҳозлари ва кўргазмали қуроллар билан таъминланган синф хоналар, лингафон, компьютер хоналари, китоб фондига бой ахборот-ресурс маркази, тренажёр зали, барча қулайлик мужассам ётоқхона ўқувчилар ихтиёрида. Спорт, фан, ҳунар тўгараклари фаолияти кенг йўлга қўйилган. Бу ерда ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар, билимдонлар беллашувлари, давра суҳбатлари лицей ёшларининг камолотига хизмат қилмоқда.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

**Таълим**

# Ақлга билим, қалбга маънавият

## улашиш асосий вазифамиз

***Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, замонавий қиёфа касб этган мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, сўнгги русумдаги ўқув жиҳозлари, компьютер технологиялари кишининг ҳавасини келтиради. Мустақиллик ёшларга олган билим ва маҳоратларини наинки республикамизда, балки чет элларда ҳам намойиш қилиш имконини берди. Бугун ёшларимизнинг жаҳон майдонларидаги эришаётган ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.***

Юртбошимиз томонидан қабул қилинаётган Фармон ва Қарорларнинг ҳар бири келажакда давлатимизни янада юксалтириш, аждодларга муносиб ворислар тайёрлашга қаратилган. Зеро, келажак ворислари бўлган, бугун бир партада ўтириб сабоқ олаётган ёшларимизни маънан етук, интеллектуал салоҳияти бой, билимли ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, уларни турли зарарли одатлардан асраш, мафкуравий иммунитетини кучайтириш, онги ва тафаккурида ғоявий бўшлиққа ўрин қолдирмаслик энг асосий вазифаларимиздан биридир.

Мактабларимизда маънавият ва маърифат кенгашлари фаолияти самарадорлиги янада ошди. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларга бўлган эътибор кучайтирилди. Бизнинг мактабимизда ҳам ушбу йўналишлар бўйича алоҳида режа асосида ишлар ташкил этилган. Жумладан, "Маънавият ҳафталиги"ни ўтказишни йўлга қўйдик. Ҳафталик доирасида режага киритилган бир қатор тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Юртимизнинг қутлуғ сана ва байрамларини нишонлаш мақсадида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида сценарийлар танловини эълон қилганмиз. Январь ойи давомида ўқувчиларнинг таътил кунларини мазмунли ўтказишга қаратилган бир қатор тадбирлар, жумладан "Орзулар оғушида келгин, янги йил", "Президент арчаси" каби кечаларни кенг жамоатчилик, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида юқори савияда ўтказдик. 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Балли йигитлар" танлови бўлиб ўтди. Шунингдек, "Ғазал мулкининг султони", "Назм ва наво", "Бобурнинг маънавий мероси" каби тадбирлар ташкиллаштирилди. Ўқувчиларни мактабдан ва дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни тўгарак машғулотларига жалб этиш мақсадида фан ва спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар қизиқишларига қараб "Баркамол авлод" маркази, спорт соғломлаштириш комплекси, "Нефтчилар" маданият саройи, Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган тўгаракларга қатнашмоқда. Яқинда ана шундай ўқувчилардан Шавқиддин Ҳаққулов, Нодира Маҳаметова, Машҳура Аҳмедова ва Бектош Абдуҳамидовлар спортнинг каратэ, кумитэ турлари ҳамда сузиш бўйича Республика мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Ўқувчиларимиз "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг туман ва вилоят босқичларида ҳам мунтазам иштирок этиб келишади.

Шунингдек, мактабда Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига бағишланган давра суҳбати, қизиқарли викториналар ўтказиб турилади. Мазкур давра суҳбатларига нафақат ўқувчилар, балки, уларнинг ота-оналари, меҳнат фаоллари ҳам таклиф этилади. Мактабда туман ИИБ ходимлари ва "Ал-Бухорий" маҳалла профилактика инспектори ҳамкорлигида одам савдоси, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. Ўқувчилар ўртасида ватанпарварлик туйғуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ривожлантиришга қаратилган "Энг фаол синф", "Энг жамоатчи ўқувчи" номинациялари жорий этилиб, ғолиблар рағбатлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида ва мактабда кенг тарғиб қилиш мақсадида Қоровулбозор туман ХТМФМТ ва ТЭ бўлими ҳузуридаги "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлигида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтиришга қаратилган методологик асосларни яратиш, "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" жамоат кенгашларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ғайриижтимоий ҳаракатларнинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш, баркамол авлодни тарбиялашга доир маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш ва уларни мазмунан янада бойитиш каби вазифалар белгилаб олинди. Мазкур дастур бевосита мактаб директори, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари , психолог, ҳамшира, етакчи ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олиб борилмоқда.

Бу борада мактабда туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла маслаҳатчиси ва Саломатлик маркази билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Мактабнинг "Ораста қизлар" тўгараги аъзолари вилоят босқичида фаол иштирок этишди ва улар орасидан Райҳона Темирова республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бу эзгу амалларнинг барчаси ёшларимизнинг дунёқарашини тўғри шакллантириш, уларни соғлом фикрли, маънавиятимизга ва анъаналаримизга содиқ фарзандлар этиб тарбиялашга қаратилган. Оммавий маданият ниқоби остида бугун жамиятимизга кириб келишга интилаётган енгил-елпи, миллийлигимизга ёт маданиятлардан ҳимоялашда миллий ғоя тамойилларини ёшларимиз онгига сингдиришимиз зарур.

**Шаҳзода ҲАЙИТОВА,**
**Қоровулбозор туман**
**8-ихтисослаштирилган**
**мактаб директор**
**ўринбосари**

**Реклама ўрнида**

**Qishloq Qurilish Bank**

# Банк омонатлари

## аҳоли ишончини қозонмоқда

***Кейинги йилларда мамлакатимизда банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, муомалада бўлган аҳоли маблағларини банк омонатларига жалб қилишни рағбатлантириш ҳамда пластик карточкадан фойдаланиш тизимини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинмоқда.***

Аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича банкимиз томонидан асосий иккита вазифанинг бажарилишига катта эътибор қаратилмоқда. Биринчидан, аҳоли маблағларини омонатларга жалб қилиш орқали ўз активларимизни кўпайтириш учун ресурс базани мустаҳкамлаётган бўлсак, иккинчидан, аҳолига ўзаро манфаатли омонат турларини таклиф этиш ҳамда аввалдан келишилган шартларни бажариш йўли билан аҳоли ўртасида банкка бўлган ишончни ошириш орқали доимий мижозларимиз сонини кўпайтираяпмиз.

Шу муносабат билан банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш мақсадида омонатчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш орқали, аҳоли маблағларини узоқ (1 йилдан ортиқ) муддатга банк депозитларига янада кўпроқ жалб қилиш вазифалари белгилаб олинган. Бугунги кунда банк омонатлари таркибида узоқ муддатли омонатлар салмоғини ошириш мақсадида ҳам банкимиз томонидан янги юқори фоизли, муддатли ва жамғармали омонат турлари аҳолига таклиф этилмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда Республика Молия-банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича банк томонидан белгиланган чора-тадбирлар асосида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида банк депозитларининг ҳажми кун сайин ошиб боришига эришилмоқда. Жумладан, 2013 йил 1 апрель ҳолатига банк бўйича аҳоли омонатлари қолдиғининг йил бошига ўсиши таъминланиб, омонатлар умумий ҳажми 84 043,0 млн.сўмга етказилди.

Банк тизимида уй-жой қурилиши учун узоқ муддатли жамғариб бориладиган омонат турлари ташкил қилинди. Бунда жисмоний шахс томонидан уй-жой қурилиши учун мақсадли жамғариб бориладиган омонатга фоизлар ҳисоблаш ва уларни капиталлаштириб бориш йўлга қўйилди. Мазкур тизимда шахснинг мақсадли жамғарилган омонати унинг келажакда оладиган кредит суммасининг камида 25 фоизини тўплаган тақдирда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредит олишда устувор ҳуқуққа эга бўлиши кўзда тутилган.

Шунингдек, аҳолига кенг турдаги чакана хизматларини кўрсатиш мақсадида банк жамғарма шохобчалари сонини кўпайтириш, қишлоқ жойларида уларнинг тармоғини кенгайтириш йўлида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳозирги кунда банк тизими бўйича 49 та жамғарма шохобчаларида аҳолига банк хизматларининг кенг қамровли турлари кўрсатилиб, уларнинг иш-дан ташқари вақтда ёки дам олиш кунларида ишлаш тартиби жорий қилинган.

Банкда мижозларга реал вақт режимида ўз ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотларни олиш ва бошқариш имконини берувчи замонавий "СМС-банкинг" хизмат тури жорий қилинган бўлиб, мазкур хизмат туридан фойдаланиб келаётган мижозлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Шунингдек, банкнинг барча филиалларида "Ишонч телефонлари" ташкил этилган бўлиб, унга малакали ходимлар бириктириб қўйилиши натижасида аҳолининг омонат шартлари бажарилиши ёки омонатдаги маблағларининг қайтарилиши билан боғлиқ мурожаатларни жойида, тезкор равишда ижобий ҳал қилиш имкони яратилди.

Бундан ташқари, банк филиалларида махсус стендлар ташкил этилиб, улар аҳоли учун кўринарли бўлган жойларда жойлаштирилган. Ушбу стендларда банк омонатлари тўғрисида батафсил маълумотлар акс эттирилиб, янгиликлар билан бойитиб борилмоқда. Шу билан бирга, банкимизда 2013 йил мобайнида аҳоли учун қулай бўлган 7 та янги омонат турлари жорий этилиб, ушбу омонатлар ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ҳеч қандай тўсиқларсиз берилиши таъминланиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мижозларга замонавий хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайиши, аҳоли учун жозибадор янги омонат турларининг жорий қилиниши банкнинг тобора равнақ топиши, пировардида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади.

**Банк ахборот**
**хизмати**

**Қарор ва ижро**

# Ишлаб чиқарилган акциз ости товарлари

## учун акциз солиғи қандай белгиланган?

***Акциз солиғи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.***

Акциз тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорида 2013 йилда тўланадиган барча акцизли товарлар учун акциз солиғи ставкалари белгилаб берилган.

Республикамизда ишлаб чиқариладиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғининг ставкалари товарнинг қийматига нисбатан фоизларда ёки натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада қатъий белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, қатъий миқдорларда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг ўзгариш суръати ҳамда маҳсулотнинг реализация ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Юқоридаги қарорга асосан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган акцизли товарларнинг айрим турларига мутлақ суммада белгиланган акциз солиғи ставкалари ўзгартирилди. Улар, хусусан, натурал ва спирт қўшилган вино, спирт, коньяк, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, пиво, фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папирослар, шунингдек, ўсимлик (пахта) ёғи ва техник мойга нисбатан индексацияланган.

Жумладан, этил спирти (1 дал *(10 литр)* учун) — 3031 сўм, вино (1 дал учун) натурал вино — 5230 сўм, спирт қўшилган вино — 5728 сўм, коньяк, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар (1 дал учун) — 26160 сўм, пиво (1 дал учун) — 2975 сўм, сигареталар (1 минг дона учун) фильтрли — 13424 сўм, фильтрсиз ва папирослар — 6479 сўм, ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун) озиқ-овқат ёғи (саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғдан ташқари) — 796059 сўм, ўсимлик техник мойи учун — 437899 сўм миқдорида белгиланган.

Акцизли товарларнинг бошқа турларига акциз солиғи ставкалари 2012 йил даражасида сақланган. Булардан заргарлик буюмлари, «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ ишлаб чиқарган автомобиллар, кумушдан ишланган ошхона анжомлари, қимматбаҳо металлар, табиий газ (аҳолига сотиладиган табиий газ ҳажмларидан ташқари), ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ («Ўзтрансгаз» АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), нефть маҳсулотлари, пахта толаси шулар жумласидандир.

Солиқ кодексига мувофиқ, ундаги алоҳида моддалардан (табиий газ, автомобиль, олтиндан ишланган заргарлик буюмлари) ташқари фақатгина ишлаб чиқарувчи корхона акциз солиғи тўловчиси бўлиб ҳисобланади. Бунда солиқ маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчи корхонадан чиқиш босқичида тўланади. Масалан, акциз тўланадиган товар ҳисобланган ўсимлик ёғини сотиш билан шуғулланаётган корхона ушбу солиқни тўламайди.

Шунингдек, истеъмолчига табиий газни етказиб беришнинг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида акциз солиғи фақат сўнгги истеъмолчига реализация қилинадиган газга солиниши белгилаб қўйилган. Шу тариқа, табиий ресурсни қайта ишлаш бўйича хизматлар кўрсатаётган корхоналар акциз солиғи тўловчилари ҳисобланмайди ва улар ўз хизматлари учун нархларни шакллантиришда акциз солиғини қўшмайди.

**Шокирбек ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат**
**солиқ бошқармаси**
**шўъба бошлиғи**

**Огоҳлик**

# Одам савдоси

## унга қарши курашишда барчамиз масъулмиз

***Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси ҳар қандай мамлакат хавфсизлигига, ҳатто, миллат генофондига реал хавф туғдиради. Афсуски, бундай ҳолатлар республикамизда ҳам мавжуд, фуқароларимиз турли алдов ва фирибгарликлар таъсирида одам савдоси қурбонига айланмоқдалар. Маълумотларга кўра, охирги беш йилда республикамизда 5 минг нафардан ортиқ шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган.***

Албатта, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жиноий уюшмалар ёки жиноий гуруҳларнинг фаолиятига барҳам бериш учун қонунчилик базасини мустаҳкамлаш юзасидан салмоқли чоралар кўрилмоқда.

Давлатимиз 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протоколлар ҳам ратификация қилинди.

2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилингач, мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш билан бирга жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси шахснинг қадр-қимматини ҳимоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган бўлиб, ушбу модда "Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш", деб номланган ҳамда максимал жазо муддати 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этиш қилиб белгиланган эди. Бундан ташқари ушбу жиноятни содир этганлик учун жазо тури сифатида озодликдан маҳрум этиш жазосидан ташқари жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ жазоси каби муқобил жазо турлари назарда тутилган эди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси одам савдоси, деб номланди ҳамда ушбу жиноятни содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Яъни жиноятни содир этганлик учун фақат озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади, жазонинг максимал муддати 8 йилдан 12 йилгача этиб белгиланди.

Амалга оширилган ишлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиши кўрсаткичлари яхшиланди. Бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифасига айланди. Бундай жиноятларнинг олдини олишда аҳоли ҳуқуқий маданияти ва онгининг юқори бўлишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик ижобий самара беради.

**Б.РАХИМОВ,**
**Тошкент транспорт**
**прокурори ёрдамчиси**

Бизнинг шарҳ

# Зилзила қачон тўхташи номаълум

**табиий офат қачон ва қаерда юз беришини аниқ айтиш мушкул**



***Куни кеча Хитойнинг Сичуан провинциясида кучли зилзила содир бўлди, бироз муддат аввал худди шундай ҳолат Индонезияда ҳам кузатилган. Мазкур икки ҳудудда ҳам икки кун мобайнида яна етти юзга яқин кичик зилзилалар юз берган. Инсоният неча минг йиллардан буён табиат ҳодисаси ичида кўп талофат келтирувчи мазкур табиий офат олдида ожиз қолмоқда. Янги техника ва технологиялар яратилаётганига қарамай, зилзилани олдиндан айтиш мушкул, башорат ва тахминлар илгари сурилади, холос.***

Сейсмологларнинг фикрича, Ер қимирлашининг келиб чиқиши замин қатламларида тўхтовсиз кузатиладиган мураккаб кимёвий, физик жараёнлар билан боғлиқ. Чунончи, солиштирма оғирлиги катта бўлган жинсларнинг доимо пастга, енгилларининг эса юқорига харакатланиши ҳамда радиоактивлик хоссаси асосида бир жинсдан иккинчисининг ҳосил бўлиши натижасида ажраладиган энергия алалоқибат зилзилаларни «дунё»га келтиради.

Кучли зилзила аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда қачон содир бўлишининг аҳамияти йўқ. Айниқса, биноларнинг мустаҳкам қурилмаслиги ёки режасиз барпо этилгани ва бошқа кўплаб ҳолатлар қурбонлар ва талофатлар сонини кўпайтириши мумкин. Буни биргина Сичуан вилояти мисолида айтадиган бўлсак, ҳудуд тоғолдида жойлашган бўлиб, зилзилалар тез-тез содир бўлади. Қолаверса, аксарият аҳоли истиқомат қиладиган уйлар талаб даражасида қурилмаган. Вилоят аҳолиси 2008 йил 12 май кунги зилзилани ҳам яхши эслайди. Ўшанда 7,8 балли табиий офат 87 минг кишининг умрига зомин бўлган.

Мутахассисларнинг фикрича, Хитой ер силкинишларига дош бера оладиган биноларни қуриш йўлида қаттиққўл қоидаларга эга давлатлардан. Шунга қарамай, минтақанинг айрим аҳоли яшаш жойлари ҳамда турли конларда кузатилаётган ер ости силкиниши оқибатида кўп талофатлар содир бўлмоқда. Сичуандаги 7 балли зилзилада қарийб 200 нафарга яқин одам халок бўлган бўлса, аввалроқ Гаитида ҳам худди шундай кучга эга зилзила натижасида 100 мингдан ошиқ одам халок бўлганди. Зилзила ҳақиқатан кучли эдики, кўп иншоотлар вайрон бўлди. Одамларга озиқ-овқат, сув, дори-дармон етказиш қийин бўлганди. Мутахассисларнинг фикрича, бу каби ҳолатларни Покистон, Хиндистон, Эрон ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин. 2008 йил 29 октябрь куни Покистоннинг Белужистон музофотида юз берган 6,4 балли ерости силкиниши оқибатида 300 киши қурбон бўлганди. Эронда 2012 йил 11 август куни шимолий-ғарбий ҳудудда 6,3 балли зилзила оқибатида 250 киши ҳалок бўлиб, қарийб 2 минг киши турли даражада тан жароҳати олган. Мамлакат сейсмик фаол зонада жойлашган бўлиб, ўтган асрда 20 та кучли зилзилалар оқибатида 170 минг аҳоли қурбон бўлган. Мамлакат тарихидаги сўнгги энг кучли ер силкиниши Бом шаҳрида 2003 йилнинг декабрида содир бўлиб, қарийб 30 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган.

2011 йилнинг 6 апрел куни кечаси Италиянинг Абруццо вилоятида Рихтер шкаласи бўйича 6,3 балли ер силкиниши бўлиб, айниқса, вилоятнинг маъмурий маркази Л“Акуила шаҳри катта талофат кўрди. Аҳамиятли жиҳат шундаки, мазкур табиий офатдан бир ой олдин италиялик сейсмолог Жоакино Жулиани Абруццо ҳудудида кучли ерости силкиниши юз бериши мумкинлиги ҳақида баёнот берганди. У сейсмик ҳудудларда табиий пайдо бўлувчи камёб радиоактив газ-радон концентрациясини аниқлаб, шундай хулосага келган. Олим тадқиқот хулосаларини ўзининг интернет-сайтида эълон қилган, радиокарнай ўрнатилган автобусда Л“Акуила шаҳри аҳолисини ушбу хавф ҳақида огоҳлантирилган ва хавфсиз манзилга кўчишга ундаган, бироқ кўпчилик мазкур “янгилик”ка ишонмаган, хукумат ҳам олимнинг бу ҳаракатини текшириб кўрмади.

Марказий Осиё ҳам сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Бу, ўз навбатида, мунтазам кузатиб, тинимсиз изланишни талаб этади. Шу ўринда мутахассислар Ўзбекистонда ҳам ер қимирлашларни башорат қилиш борасида катта натижаларга эришилганини айтиш даркор. Хусусан, кучли зилзилаларни олдиндан аниқлаш борасида истиқболли янги усуллар яратилиб, уларнинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди. Бу усуллар мажмуини қўллаш асосида юртимиз ҳудуди ва ён-атрофдаги минтақаларда бўлиб ўтган бир неча кучли зилзилаларни олдиндан айтишга муваффақ бўлинган. Масалан, 1976 йилнинг 17 майдаги Газли, 1978 йил 1 ноябридаги Олай, 1984 йил 18 феврал куни Поп зилзилалари олдиндан айтилган.

Манбаларга кўра, сайёрамизда йилига Рихтер шкаласи бўйича магнитудаси 7 га тенг бўлган ер қимирлаши ўртача 20 марта, 6 баллиги 100 марта, 5 лиги 3 минг мартагача содир бўлади. Магнитудаси 3 га тенг силкинишлар 100 мингдан ортади, 1 ва 2 ликлари эса кунига 8 минг марталаб юз беради. Инсониятнинг бахти шундаки, ерости силкинишларининг деярли 90 фоизи денгиз ва уммон тубларида содир бўлади. Умумий ҳисобда Ер шарида содир бўладиган зилзилалар сони йил давомида бир неча юз мингга етиши мумкин. Шундан халқ хўжалигига зарар етказадиган зилзилалар эса бир неча юзтани ташкил этади. Сайёрамизда ўртача ҳисобда ҳар 8000 одамдан бири зилзила қурбони бўлади ва бундан ўн маротаба кўп одам турли даражада зарар кўради. Олимларнинг зилзиладан сўнг тадқиқот сифатида тўплаган сўровномаларига кўра, аҳоли кучли силкинишлар давомийлигини 30-40 сония деб баҳолаган. Аслида улар 5-7 сония давом этган. Тиббиётчиларнинг фикрича, айнан инсон танасидаги юқори сезгирлик нафақат зилзила, балки бошқа табиий офатлар, дейлик тебранишлар кўламига ортиқча баҳо берилишига сабаб бўлади.

Мутахассислар кучли зилзилалар содир бўладиган минтақаларни сейсмик жиҳатдан икита асосий ҳудудга бўлишади: булар географик кенглик йўналишида Альп, Карпат, Кавказ, Копендоғ, Тяньшан, Помир, Ҳимолай ва иккинчиси, меридионал йўналишда Тинч океанининг икки қирғоғи ва қисман қуруқлик минтақаларида сайёрамиздаги зилзилаларнинг қарийб 80 фоизи содир бўлади. Бундай сейсмик фаоллашган жойларга Жанубий Американдан Антарктидагача, Европа ва Осиё қитъасининг шимолий қисми, Марказий ва Ғарбий Африка, Австралия ҳудудлари киради. Демак, Марказий Осиё унинг сейсмик жиҳатдан фаол бўлган Копендоғ, Тяньшан, Помир тоғлари туфайли сейсмик фаол минтақага киради.

Зилзила эса куннинг исталган вақтида рўй бериши мумкин. Айни шу жиҳатдан минтақада ҳар қандай ўзгариш ва лойиҳаларни амалга оширишда шошма-шошарлик, ўзбилармонликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада қўшни Тожикистонда Амударёнинг ирмоғи бўлган Вахш дарёси узра баландлиги 335 метрлик дунёдаги баланд тўғонни қуриш лойиҳасини айтиш лозим. Олимларнинг фикрича, бундай ҳаракатлар трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмидаги давлатларга жиддий зиён етказиб, минтақадаги мураккаб экологик аҳвол янада ёмонлашишига олиб келади. Роғун ГЭСи фаолияти яқин келажакда Марказий Осиё минтақасининг ҳам экологик барқарорлигига, ҳам иқтисодий фаровонлигига салбий таъсир этибгина қолмай, пировардида, минтақанинг умумий, яъни трансмиллий хавфсизлигига таҳдид солиши тайин. Шундай экан, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншооти қуриш учун барча қўшни давлатлар билан бамаслаҳат иш тутиш, халқаро экспертларнинг мустақил экспертизасини ташкил қилиш, уларнинг тўғонлар хавфсизлиги кафолатлангани ва экологияга путур етмаслиги тўғрисидаги хулосасини олиш зарур. Мутахассислар Марказий Осиё давлатлари бу масалаларни ўзаро келишган ҳолда ечишга қодирлигини таъкидлашган.

Геологларнинг айтишича, Ер кўп жойларда ўзининг шаклини ўзгартириб, силжиш ҳолларни кузатилмоқда. Мисол учун, Ҳимолой тоғлари 150 миллион йил илгари ҳиндистончалик катта бир ер парчасининг Антарктикадан ажралиб чиқиши ҳамда шимол томонга ўтиб, Осиё қитъасига келиб урилиши натижасида вужудга келган. Олимлар назарида ер Жанубий Осиёда Шимолий Осиё томон йилига икки сантиметр масофада силжиб бормоқда. Бу эса зилзилаларга сабаб бўлмоқда.

Сўнгги маълумотларга қараганда, Хитойнинг Сичуан вилоятида яна 5 балли зилзила рўй берган. Об-ҳавонинг нисбатан қулай келгани қутқарув хизматлар ишини анча осонлаштирган бўлса-да, айни жараёнда табиатнинг навбатдаги “имтиҳони” кўплаб инсонлар ҳаётини хавф остига қўйди. Зеро, ҳозир бинолар остида қолган одамларни сақлаб қолиш янада қийинлашди. Ҳозир ҳеч ким ярадор ва бино вайронлари остида қолиб кетганлар сонини аниқ билмайди. Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозирга қадар 180 нафар одам ҳаётига зомин бўлиб, 6 мингга яқин одам зилзиладан азият чекаётган бўлса, эндиликда бу рақам янада ошган. Ачинарлиси, минтақада қутқарув-тозалаш ишлари жадал олиб борилаётган бир пайтда сейсмологлар олдиндан юқори балли ер силкиниши ҳақида маълумот бермаган, тахминлар ҳам қилинмаган. Улар ҳозир ҳам ер силкинишлари қачон тўхташини билишмайди.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**“Milliy tiklanish” шарҳловчиси**

**2007 йил 15 август.** Эпицентри денгиз тубида бўлган 7,9 балли ерости силкиниши туфайли 145 километр узоқликдаги Перу пойтахти Лимада 500 нафардан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди.

**2006 йил 17 июль.** Эпицентри денгизда бўлган 7,7 балли зилзила оқибатида юзага келган цунами Ява оролидаги 650 кишининг ёстиғини қуритди.

**2006 йил 27 май.** Индонезиянинг Ява оролида 5700 киши ҳаёт билан видолашди. Ўшанда 6,2 магнитудага тенг зилзила бўлган.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР



## Янги раҳбар

**Бангладешда янги президент сайланди.**



Хабарларга қараганда, мамлакат янги президети этиб парламент спекери Абдул Ҳамид сайланган. Бу ҳақда куни кеча Бангладеш марказий сайлов комиссияси маълум қилган. 64 ёшли А.Ҳамид 1969 йилдан парламентда фаолият юритиб келган. Шунингдек, у 1971 йилги Бангладеш ва Покистон ўртасидаги урушларда фаол иштирок этган.

## Рейслар бекор қилинган

**“Lutfhansa” ишчи-ходимлари иш ташлаши оқибатида 2 мингта авиапарвоз бекор қилинган.**



Маълумотларга қараганда, Германия миллий авиакомпаниясида жорий йилдаги энг йирик намойиш бўлган. Оқибатда турли давлатларга учадиган юзлаб рейслар бекор қилинган, 2 мингдан ортиқ почталар ўз манзилига етиб бормаган. “Lutfhansa” ишчи-ходимлари компания расмийларидан ойлик маошни кўтариш ва келгусида иш ўринларни кескин қисқартирмасликни талаб қилишмоқда. Эслатиб ўтамиз, дунёдаги энг йирик авиакомпания 1926 йилда ташкил этилган, йўловчи ташиш, уларга хизмат кўрсатиш бўйича жаҳонда 5-ўринда туради. “Lutfhansa” йилига 50 миллион кишига хизмат кўрсатади.

Авиакомпания сайтининг маълумотларига кўра, рейсларни қайта йўлга қўйиш ҳақида маълумотлар берилган, бироқ бу иш ҳали самара берганича йўқ.

## Ўзига хос усул

**Япониялик олимлар чекишга қарши янги препарат яратишди.**



Тоғли ҳудудларда ўсадиган юзга яқин шифобахш гиёҳдан тайёрланган мазкур дорини истеъмол қилган инсон организмида тамаки маҳсулотларига нисбатан мойиллик сезиларли даражада камаяди. Мутахассисларнинг фикрича, янги препаратнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у организмни турли заҳарли моддалардан тозалаб, нафас йўли фаолиятини яхшилайди ва қон айланиш тизимини бир меъёрда сақлайди.

*Хориж хабарлари асосида*
*Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади*

**Эълон** **«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ 2013 йил 30 май куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади!**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 50-уйда жойлашган «MARKAZIY» комбинат ДУК балансидаги 2006й. и/ч, д/р 01/704UBA, бошланғич нархи 40 510 896 сўм бўлган «ХЮНДАЙ СОНАТА» русумли; Тошкент ш., Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уйда жойлашган Тошкент давлат Шарқшунослик институти балансидаги 1996й. и/ч, д/р 01/069QCA, бошланғич нархи 5 995 000 сўм бўлган «Дамас», 1995й. и/ч, д/р 01/074QCA, бошланғич нархи 3 250 100 сўм бўлган «ГАЗ-310290» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи микдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган такдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар накд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур ускуналар ва автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган такдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг **пайшанба** кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: **TUAS_MCHJ@mail.ru**

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 4, 11 ва 18 апрель кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Ўзэкспомарказ» ОАЖ МКК балансидаги 1990 йилда и/ч «ТМЗ-400/10У2» русумли трансформатор — 4 900 000 сўмга, 1982 йилда и/ч трансформатор подстанцияси техникаси — 4 100 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги балансидаги д/р 10AP895 бўлган «ГАЗ-3102» — 2 700 000 сўмга; «CHORSU BUYUM SAVDO KOMPLEKSI» ОАЖ балансидаги д/р 01/922MBA бўлган «Нексия» — 10 400 000 сўмга; «СУВГЕО» Тош ИТИ балансидаги д/р 01/539MCA бўлган «УАЗ-452» — 2 700 000 сўмга; «TASHOBLDRENAJ» ДУК балансидаги д/р 01/667MBA бўлган «ГАЗ-5201» — 1 700 000 сўмга; Тошкент автомобиль йўллар институти балансидаги д/р 10AF759 бўлган «ГАЗ-3110» — 5 000 000 сўмга; «BEKTEMIR MOL, EM-XASHAK VA TIRIK PARRANDA BOZORI» МЧЖ балансидаги д/р 01/413NAA бўлган «Дамас» — 11 050 000 сўмга; «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI» ОАЖ балансидаги д/р 01/262MBA бўлган «Ласетти» — 20 300 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси балансидаги д/р 01/725BAA бўлган «Нексия» — 21 100 000 сўмга, д/р 01/739BAA бўлган «Нексия» — 21 100 000 сўмга, д/р 01/737BAA бўлган «Нексия» — 15 500 000 сўмга, д/р 01/724BAA бўлган «Дамас» — 14 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Рангин дунё

# Лаъл қалъа

***Уч асрдан зиёд Ҳинд ярим оролида ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласи маҳаллий халқлар ҳаётининг барча жабҳаларида ўчмас из қолдирган. Айниқса, Мовароуннаҳрдан Ҳиндистон диёрига олиб кирилган боғдорчилик, ободончилик каби яратувчанлик ишлари алоҳида таҳсинга сазовор. Бобурийлар даврида яратилган улкан меъморий ёдгорликлар бугунги кунда ҳам ўз салобатини йўқотмаган. Деҳлидаги Жоме масжид, Аградаги Тож Маҳал, Фотиҳпур Секридаги Панч Маҳал, Лоҳурдаги Жаҳонгир мақбараси ва Шалимар боғи юз минглаб сайёҳлар қадам ранжида қиладиган диққатга сазовор иншоотлардир.***



Ана шундай ажойиб меъморий ёдгорликлардан бири Қизил Форт ёхуд Лаъл қалъа Деҳлининг эски шаҳар қисмида жойлашган. Қалъа XVII асрда бунёд этилган тарихий ансамбл ҳисобланади. Форт деворининг узунлиги тахминан 2500 километр, баландлиги эса 16 дан 33 метргача етади. Фортни бунёд этишда қизил қумдан қуйилган ғиштлардан фойдаланилган. 1638-48 йилларда қурилган қалъа узоқ йиллар давомида Шоҳжаҳон учун қароргоҳ вазифасини ўтаган. Унинг қурилиши ниҳоясига етгач, мамлакат пойтахти Аградан Деҳлига кўчирилади. Қалъани қуришда худди Агра Фортга ўхшаш меъморий услуб: саккиз қиррали нотўғри учбурчак қўлланилган. Кейинчалик ушбу меъморий ечим бобурийлар сулоласи томонидан қурилган барча иншоотларга татбиқ этилади. Ўша даврда қалъада уч мингга яқин киши истиқомат қилган. Буни қалъа ҳудудидаги қатор турар-жой биноларидан ҳам билса бўлади. Фортдаги ҳар бир сарой ва хоналар аввалдан берилган номлар орқали ажратилган.

Қизил Фортга Лоҳур дарвозаси орқали кирилади. Мазкур дарвоза қалъага олиб кирувчи асосий йўлдир. Дарвоза Лоҳур (ҳозирда Покистонга қарашли) шаҳрига қарагани боис, шундай номланган. Қалъа ичидаги усти ёпиқ бозорга ҳам айнан шу йўл олиб боради. XVII асрда бозорда ҳозирдагидек эсдалик сувенирлари эмас, қимматбаҳо тақинчоқлар, ипак ва тилла буюмлар сотилган. Улар асосан шоҳ ва сарой аъёнларининг эҳтиёжи учун харид қилинарди. Бозордан ўтгач, Навбат хона қаршисидан чиқасиз. Бу ерда машшоқ ва ҳофизлар ўз санъатини сарой аҳли олдида намойиш қилишган. Ҳозирги кунда Навбат хонада кичикроқ ҳарбий музей ишлаб турибди. Музей экспонатлари орасида қадимий ханжарлардан тортиб, замонавий тўппончаларгача бор. Навбат хонадан кейин оммавий қабуллар учун мўлжалланган зал келади. Шоҳлар бу хонада жамоанинг шикоят ва илтимосномаларини эшитиб, муҳим қарорлар қабул қилишган. Подшоҳ мармардан ясалган тахти равон устида ўтириб амр берган. Тахти равон бизгача сақланиб қолганининг ўзи бир мўъжиза. Уни италиялик усталар ясаган. Усталар тахти равонни безашда қадимги юнон ўймакорлик намуналари ва қимматбаҳо тошлардан кенг фойдаланишган. Энг қизиғи, ана шу тахти равоннинг шифтига грек мифологиясига хос тасвирларни туширганлар. Умуман олганда, тахти равонлар Қизил қалъада кўп бўлган. Орадан юз йил ўтиб, тахти равонлардан бири Эронга, Нодир шоҳ томонидан олиб кетилган. Сабаби, Лаъл қалъа форт бўлишига қарамай, аввалбошданоқ мустаҳкам ҳимояга эга эмасди. XIX аср ўрталарига келиб эса Лаъл қалъа инглиз мустамлакачиларининг қўлига ўтди. Саройларда ўзбошимчалик билан қайта қуриш ишлари бошланади: сўлим боғлар ўрнини инглиз боғлари эгаллади. Мисли кўрилмаган бойликлар, тарихий ва маданий ашёлар талон-тарож қилиниб, ўзга юртларга ташиб кетилди.

Қалъадаги ҳамма қурилмалар ҳам асл ҳолича сақлаб қолинмаган. Масалан тилла ва кумуш кошинлар билан безатилган Ранг Маҳал саройи босқинчилар томонидан талангач, унинг аввалги кўринишидан асар ҳам қолмайди. Қалъадаги яна бир сарой малика Мумтоз Маҳал ётоғи учун ажратилган. Айни пайтда мазкур саройда археология музейи фаолият кўрсатиб келмоқда. Музейда нодир қўлёзма асарлар, миниатюралар, кийим-кечак, сопол ва бошқа буюмлар намойишга қўйилган. Бундан ташқари, қалъанинг “Моти”, яъни “Марварид масжиди” ҳам бор. Антиқа меъморий ечимга эга масжид Форт ансамблига ҳамоҳанг тарзда қурилган. Шу боис, унга қараб бемалол дунё томонларини аниқлаш мумкин. Лекин ҳозирги кунда масжидга зиёратчилар қўйилмаяпти.

Ўтган асрнинг 1947 йилида Қизил Фортни ҳинд қўзғолончилари эгаллайди. Ушбу тарихий воқеага биринчилардан бўлиб қалъа гувоҳ бўлади. Ўшандан буён Қизил Форт ҳинд озодлигининг рамзига айланди. Ҳар йили мамлакат мустақиллиги арафасида Лаъл қалъа узра Ҳиндистон миллий байроғи кўтарилади. Анъанага кўра, айнан шу қалъадан туриб мамлакат бош вазири халқни озодлик байрами билан муборакбод этади.

**Зафар МУҲАММАД**

